

**РЕСПУБЛИКА ИММУНОЛОГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ  
ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**АБДИРИМОВА АЗИЗА ДУШАМОВНА**

**РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА КИЧИК ЧАНОҚ  
АЪЗОЛАРИ ЯЛЛИҒЛАНИШ КАСАЛЛИКЛАРИ  
ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ  
МИКРОБИОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

**03.00.04 - Микробиология ва вирусология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2017**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по медицинским наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on medical sciences**

**Абдиримова Азиза Душамовна**

Репродуктив ёшдаги аёлларда кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш  
касалликлари шаклланиши ва ривожланишининг  
микробиологик жиҳатлари.....5

**Абдиримова Азиза Душамовна**

Микробиологические аспекты формирования и развития  
воспалительных заболеваний органов малого таза у женщин  
репродуктивного возраста.....21

**Abdirimova Aziza Dushamovna**

Microbiological aspects of formation and progressing of inflammatory  
diseases of small pelvis organs in reproductive ages women.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works .....43**

**РЕСПУБЛИКА ИММУНОЛОГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ  
ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**АБДИРИМОВА АЗИЗА ДУШАМОВНА**

**РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА КИЧИК ЧАНОҚ  
АЪЗОЛАРИ ЯЛЛИҒЛАНИШ КАСАЛЛИКЛАРИ  
ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ  
МИКРОБИОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

**03.00.04 - Микробиология ва вирусология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2017**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Tib159 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.immunology.uz](http://www.immunology.uz)) “ZiyoNet” таълим ахборот тармоғида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Матназарова Гулбахор Султановна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий  
оппонентлар:**

**Набиева Умида Пулатжановна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Азизов Юрий Далиевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи  
ташкилот:**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика иммунология илмий маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел.(факс): (99871) 233-08-55, e-mail [immunologiya@qip.ru](mailto:immunologiya@qip.ru)).

Диссертация билан Республика иммунология илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел.(факс): (99871) 233-08-55).

Диссертация автореферати 2017 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Т.У. Арипова**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**З.С. Камалов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

**Д.А. Мусаходжаева**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Аёлларда кечадиган кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари (КЧАЯК) мураккаб, охиригача ўрганилмаган муаммо бўлиб, дунё бўйича жиддий тиббий, ижтимоий ва иқтисодий йўқотишлар билан боғлиқ кечади. Гинекологик касалликлар таркибида аёллар жинсий аъзолари яллиғланиш касалликлари етакчи ўринда бўлиб, ушбу патологияларнинг 60-65% ини ташкил этади. Касалланишнинг энг юқори чўққиси 15-24 ёшдаги шахсларда кузатилиб, 30 ёшдан сўнг уларнинг учраш даражаси камаяди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, аёлларда кечадиган касалликлар, шу жумладан, акушер-гинекологик касалликларни камайтириш масалалари бўйича муайян натижаларга эришилди. Шулар билан бир қаторда соғлиқни сақлаш тизимида бир қатор муаммолар мавжуд эди. Улар орасида репродуктив ёшдаги аёлларда учрайдиган экстрагенитал касалликларни аниқлаш, айниқса, КЧАЯК даволаш ва олдини олишни келтириш мумкин. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари Стратегиясида “оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматга эришишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада амалга ошириш” белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва репродуктив ёшдаги аёлларда учрайдиган КЧАЯК кўпайишига сабаб бўладиган омилларни камайтириш ва асоратларини олдини олиш муҳимдир.

Дунё миқёсида акушер-гинекологик патологиянинг, шу жумладан КЧАЯК нинг камайиш тенденцияси амалий жихатдан секинлик билан кечмоқда, нафақат патоген, балки шартли-патоген микроорганизмлар (ШПМ) чақирган касалликлар кўпайиб бормоқда, бунинг оқибатида аёллар ҳаёти сифати пасаймоқда, бу ўз навбатида сезиларли тиббий-ижтимоий муаммога айланмоқда. Ушбу патологияларнинг шаклланиши ва ривожланишида турли ташқи ва ички омиллар, қўзғатувчилар ва одам организми орасида турли сабаб-оқибатли боғлиқликлар катта аҳамият касб этади. Аёлларда КЧАЯК кўпайиб бораётганининг етакчи сабаби ўз вақтида ташҳислаш, шу жумладан, микробиологик ташҳиснинг қўйилмаётганлигидир. Муаммонинг долзарблигини эрта ташҳислашни амалга ошириш, микробиологик мезонларни ишлаб чиқиш ва даволашга ёндошишнинг такомиллаштирилиши белгилайди. Юқорида келтирилганлар, шунингдек, репродуктив ёшдаги аёлларда КЧАЯК шаклланиши ва ривожланишининг сабаб-оқибатли боғлиқликларини аниқлаш ушбу илмий тадқиқотнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ-1652-сонли Қарори билан тасдиқланган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора тадбирлари тўғрисида» ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги 91-сонли «Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа ҳуқуқий-меъорий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** «Кичик чанок аъзолари яллиғланиш касалликлари» термини аёллар туғиш йўллари юқори бўлимларида кечадиган барча яллиғланиш касалликларини ўз ичига олади. Улар алоҳида нозологик кўринишлар сифатида, турли комбинациялар - эндометрит, сальпингит, оофорит, сальпингоофорит, тубоовариал абсцесс, чанок перитонити, пиосальпинкс шаклида учрайди (CDC, USA, 2006; Уткин К.В. ва ҳаммуаллифлар, 2008; Abotangelo L. et al., 2010; Kim H.Y. et al., 2015).

Лактобациллалар ва бифидобактериялардан ташқари қинда учрайдиган барча микроорганизмлар амалий жиҳатдан яллиғланиш жараёнида қатнашиши мумкин. Бугунги кунда симптомсиз кечадиган касалликларни келтириб чиқаришга қодир 400 турдаги бактерия ва 150 та вируслар одам биотопларидан идентификация қилинган. Демак, у ёки бу ШПМ униши доим ҳам йирингли-яллиғланиш касалликлари (ЙЯК) ташҳиси қўйилишига асос бўла олмайди. Йирингли-яллиғланиш жараёни шаклланиши учун ҳал қилувчи ўринни қўзғатувчи вирулентлиги, инфицирланиш массивлиги ва макроорганизм ҳолати эгаллайди (Яглов В.В., 2007; Камолова Н.И. ва ҳаммуаллифлар, 2009; Мухамедов И.М. ва ҳаммуаллифлар, 2016; Taylor V.D. et al., 2013; Guedou F.A. et al., 2014).

Охирги йиллар тадқиқотлари натижаларига кўра КЧАЯК полимикроб этиология билан тавсифланади (Кожина М.В. ва ҳаммуаллифлар, 2005; Мухамедов И.М. ва ҳаммуаллифлар, 2007; Nelson D.V. et al., 2016). Аммо, етакчи ўринларни грамманфий бактериялар (энтеробактериялар, биринчи навбатда *E.coli*) ва граммусбат кокклар эгаллаган. Уларнинг асосийси *Staphylococcus* авлодига мансубларидир. Кейинги йиллар тадқиқотлари шуни кўрсатдики, анаэроб микроорганизмларнинг ҳам маълум ўрни бор, аммо, амалий жиҳатдан барча тадқиқотчилар фикрича, улар кам учраб, асосий қўзғатувчилар қаторига кирмайди. Улар орасида эса бактериодлар,

кlostридиялар, пептострептококклар кўпроқ учраган (Кузьмин В.М., 2006; Нурузова З.А., 2006; Мухамедов И.М. ва ҳаммуаллифлар, 2016).

Шунингдек, КЧАЯК сабабчилари сифатида жинсий йўл билан юқувчи касалликлар (ЖЙЮК) кўзгатувчилари ҳам учраши мумкин. ЖССТ экспертлари маълумотларига кўра 60-70% ҳолатда яллиғланиш касалликлари хламидиялар ва гонококклар томонидан чакирилади. КЧАЯК ини бундан ташқари *T.vaginalis*, мико- ва уреоплазмалар ҳам кўзгатиши мумкин. Касаллик этиологияси грамманфий спора ҳосил қилмайдиган анаэроблар билан ассоциацияда учровчи анаэроб грамманфий, камдан кам ҳолатда эса граммусбат микроб флораси ҳам бўлиши мумкин (Матназарова Г.С., 2007; Нуралиев Н.А. ва ҳаммуаллифлар, 2014; Brattling C. et al., 2010).

Микробиологик тадқиқотларда ижобий натижа 62,9% ҳолатда аниқланган бўлса, шундан 31,8% ҳолатда ассоциациялар, 68,2% ҳолатда эса микрооранизмлар монокультураси унган (Буянова С.Н., Щукина Н.А., 2002; Кожина М.В. ва ҳаммуаллифлар, 2005; Haggerty C.L. et al., 2016).

Янги антибактериал препаратларнинг интенсив равишдаги изланишига қарамай, ЙЯК билан кураш муаммоси ҳамон энг мураккаб ва долзарб бўлиб қолмоқда. Бу асосан кўзгатувчилар этиологик таркибининг ўзгариши, айланиб юрувчи штаммлар орасида антибиотикларга чидамлиларининг ривожланиши ва тарқалиши билан боғлиқ (Исхакова Х.И. ва ҳаммуаллифлар, 2015; Taylor V.D. et al., 2013). ЙЯК нинг асоратли кўринишлари 5-7% ни ташкил этади, лекин улар нафақат аёл организми махсус функцияларининг йўқотилиши, балки ногиронликка ҳам олиб келган.

Таъкидлаш лозимки, КЧАЯК микроб пейзажини мажмуавий баҳолашга, генитал йўл ШПМ ва ЖЙЮК кўзгатувчилари орасидаги боғлиқликка, КЧАЯК шаклланишининг микробиологик жиҳатларига бағишланган ишлар жуда кам. Буларнинг барчаси ушбу тадқиқотни ўтказиш заруратини асослаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** аёлларда кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари этиологияси, шаклланиши ва ривожланиши сабаб-оқибатли боғлиқликларининг микробиологик жиҳатларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

аёлларда кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликларининг этиологик таркибини аниқлаш ва уларнинг генитал инфекция кўзгатувчилари билан боғлиқлигини қиёсий баҳолаш;

репродуктив ёшдаги аёллар кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликларининг шаклланиши ва ривожланиши микробиологик жиҳатлари сабаб-оқибатли боғлиқлигига баҳолаш;

аёллар кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари кўзгатувчиларининг асосий таксономик белгиларига қиёсий тавсифлаш;

аёллар кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари кўзгатувчиларининг патогенлик омиллари ва антимикроб препаратларга сезгирлик даражасини аниқлаш ва баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари билан касалланган 304 нафар репродуктив ёшдаги аёллар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** аёллар организми турли биотопларидан олинган биологик ашёлар микробиологик таҳлиллар учун олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Бактериологик, иммунологик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

аёллар кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликларининг етакчи этиологик агентлари аниқланган;

аёллар кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари шаклланиши ва ривожланишида асосий этиологик агентлар ва генитал йўл инфекциялари кўзгатувчилари орасидаги боғлиқликлар аниқланган;

аёллар кичик чаноқ аъзоларида йирингли-яллиғланиш жараёни шаклланиши ва ривожланишининг асосий микробиологик хусусиятлари аниқланган;

репродуктив ёшдаги аёллар кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари ривожланишидаги асосий кўзгатувчиларнинг антимикроб препаратларга резистентлигининг аҳамияти аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кўзгатувчилар штаммларини бир биридан фарқловчи аниқ белгиларнинг аниқланиши аёллар кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари микробиологик ташҳислашни яхшилаган;

кўзгатувчиларнинг антимикроб препаратларга резистентлик даражасининг аниқланиши ушбу дори воситаларини тўғри танлаш имконини яратган;

аёлларда кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлар кечишини эрта прогнозлаш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ва ўтказилган даволаш тадбирларининг самарадорлигини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти КЧАЯК кўзгатувчилари микроб манзараси замонавий ҳолатини аниқлаш, этиологик агентлар таксономик белгиларини қиёсий баҳолаш, ШПМ чақирган КЧАЯК шаклланиш механизми



тўғрисидаги назарий билимлар даражасини кенгайтиради. Ушбу касалликлар шаклланиш ва ривожланишининг микробиологик жиҳатларини, КЧАЯК кўзгатувчилари ва генитал йўл инфекциялари орасидаги боғлиқлик хусусиятларини аниқлаш чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, аёлларда КЧАЯК нинг асосий этиологик агентлари ва уларнинг генитал йўл инфекциялари билан боғлиқлиги аниқланиши антимикроб терапиянинг асосий мезонларини ўрнатиш ва касаллик кечиши истиқболларини белгилаш имконини яратган. Аёлларда КЧАЯК шаклланиши ва ривожланишининг микробиологик жиҳатларини ва сабаб-оқибатли боғлиқликларини аниқлаш ушбу касалликларнинг хатарли оқибатлари пайдо бўлиши хавфини камайтирган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Репродуктив ёшдаги аёлларда КЧАЯК микробиологик ташҳиси хусусиятлари замонавий ҳолати бўйича олинган натижалар асосида:

аёлларда КЧАЯК микробиологик ташҳиси хусусиятлари замонавий жиҳатлари мақсадида ишлаб чиқилган “Аёлларда кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари микробиологик ташҳисида асосий кўзгатувчилар таксономик белгилари ўзгарувчанлигини ўрганишнинг аҳамияти” мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 25 сентябрдаги 8Н-Д/27-рақамли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома аёлларда кечадиган КЧАЯК кўзгатувчилари типик ва атипик штаммларни аниқлаш, идентификациялаш ва дифференциациялаш имконини яратган;

аёлларда ташҳисланган КЧАЯК кўзгатувчиларининг микроб манзараси ва шаклланишининг микробиологик жиҳатлари бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Хоразм вилоят перинатал маркази ва РШТЎИМ Хоразм филиалида жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 25 сентябрдаги 8Н-Д/27-рақамли маълумотномаси). Натижаларнинг амалий тиббиётга жорий этилиши аёллардаги КЧАЯК кўзгатувчилари униш фоизини 11% га яхшилаш, микробиологик тадқиқотлар ўтказишда бюджет маблағларидан 76667 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 1 та хорижий анжуманда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 8 мақола, жумладан 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хотима, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 108 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ҳамда предмети аниқланган, Тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси Фан ва технологиялар тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, илмий иш апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Аёллар кичик чанок аъзолари яллиғланиш касалликларининг клиник-патогенетик ва даволаш-ташҳисий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида аёлларда КЧАЯК нинг тарқалганлиги, таснифи, ривожланишига олиб келувчи хавф омиллари, клиникаси, ташҳиси, давоси ва профилактикаси, аёлларда КЧАЯК шаклланишида микроорганизмларнинг ўрни тўғрисидаги маълумотларга эга охирги йиллар манбалари шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотлар ҳажми ва дизайни, материаллар ва усуллар**» деб номланган иккинчи бобида муаммонинг ечимини таъминловчи услубий ёндошишлар ва усуллар келтирилган. Кўйилган мақсадга эришиш учун КЧАЯК билан касалланган, Хоразм вилоятида доимий истиқомат қилувчи 304 нафар репродуктив ёшдаги аёллар текширилди. Улар ёш бўйича қуйидагича тақсимланди: 18-21 ёш - 17 нафар бемор ( $5,6 \pm 1,3\%$ ), 22-29 ёш - 89 нафар бемор ( $29,3 \pm 2,6\%$ ), 30-35 ёш - 92 нафар бемор ( $30,3 \pm 2,6\%$ ), 36-49 нафар бемор - 99 нафар бемор ( $32,5 \pm 2,7\%$ ) ва 50 ёш ва ундан катталар - 7 нафар бемор ( $2,3 \pm 0,9\%$ ) аёллар. Улардан 230 нафари ( $75,7 \pm 2,5\%$ ) қишлоқда яшовчилар, 74 нафари ( $24,3 \pm 2,5\%$ ) шаҳарда яшовчилар бўлди.

КЧАЯК кузатилган аёлларга қуйидаги ташҳислар верификация қилинди: икки томонлама ўткир сальпингоофорит ( $60,8 \pm 2,8\%$ ,  $n=185$ ), чап томонлама сальпингоофорит ( $6,9 \pm 1,5\%$ ,  $n=21$ ), ўнг томонлама сальпингоофорит ( $11,2 \pm 3,3\%$ ,  $n=34$ ), икки томонлама ўткир пиосальпинкс ( $13,2 \pm 1,9\%$ ,  $n=40$ ), чап томонлама ўткир пиосальпинкс ( $3,0 \pm 1,0\%$ ,  $n=9$ ), ўнг томонлама ўткир пиосальпинкс ( $4,9 \pm 1,2\%$ ,  $n=15$ ); сурункали аднексит ( $2,0 \pm 0,8\%$ ,  $n=6$ ). Сурункали аднексит ўткир сальпингоофоритлар билан бирга учради. Ташҳислар клиник, клиник-инструментал, лаборатор усуллар ёрдамида International Statistical Classification of Diseases and Related Health Problems 10 th Revision Version for (2007) бўйича верификация қилинган.

КЧАЯК ташҳисининг замонавий ва маъқул усули бу АҚШ касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш Миллий маркази (CDC, USA) томонидан таклиф этилган усул ҳисобланади.

Стационар касалланиш Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш органлари ҳужжатлари ва тиббиёт марказлари расмий маълумотлари асосида ўрганилди. Бунда кузатув давридаги 2004 йилдан 2015 йилгача бўлган

ҳолатдаги беморлар касаллик тарихлари, ҳисобот ҳужжатлари, беморларни рўйхатга олиш журналлари ва “12-здрав шакли” ҳисоботлари тадқиқ этилди.

Қўйилган мақсадни амалга ошириш учун анъанавий микробиологик усуллардан фойдаланилди. Биологик ашёни олиш, бактериологик лабораторияга етказиш умум қабул қилинган усулда амалга оширилди (Зубков М.Н., 2004). Биологик ашёни экиш (пункцион материал - бачадондан аспират, қиннинг орқа девори, цервикал каналдан ашё) Гольд бўйича амалга оширилди, этиологик жиҳатдан аҳамиятли кўзгатувчилар қаторига  $10^4$ - $10^5$  КХҚБ/мл концентрациядан кўп унганлари киритилди. Кейинги идентификация Bergy's Manual Systematic Bacteriology (1997) бўйича ўтказилди.

Идентификация Enterobacteriaceae оиласи, Staphylococcus spp, Streptococcus spp, Enterococcus spp, Candida spp таксономик белгилари асосида «HiMedia» (Ҳиндистон) фирмаси озик муҳитларидан фойдаланган ҳолда бажарилди.

Микроорганизмларнинг идентификация қилинган штаммлари патогенлик омилларини аниқлаш учун плазмакоагулаза ва гемолитик кобилият, лецитиназа ва гиалуронидаза фаоллиги ўрганилди.

Антимикроб препаратларга резистентликни ўрганиш учун диско-диффузион усулдан фойдаланилди. Усулнинг моҳияти ташувчидаги (қоғоз диск) антибактериал препаратнинг зич озик муҳитга (Мюллер-Хинтон муҳити) диффузияси орқали антибактериал препарат концентрациясининг минимал сўндирувчи концентрациядан юқори бўлган зонасида  $1,5 \times 10^8$  КХҚБ/мл концентрациядаги ўрганилаётган культура унишининг сўндирилишига асосланган (МУК 4.2.1890-04; Исхакова Х.И. ва ҳаммуаллифлар, 2015). Натижалар интерпретацияси МУК 4.2.1890-04 бўйича ўтказилди. Озик муҳитда униш диаметрига қараб, сезгир (S), шартли-резистент (SR) ва резистент (R) штаммлар баҳоланди.

ИФА ни қўйиш учун Chlamydia spp, Toxoplasma gondi, Mycoplasma spp, Cytomegalovirus, 1 ва 2 типдаги Herpes simplex virus («ХЕМА» фирмаси тест-системалари, РФ), Ureaplasma urealyticum («Вектор-Вест» фирмаси тест-системалари, РФ) антигенларига қарши қон зардобидаги антителоларни аниқлаш учун мослаштирилган тест-системалардан фойдаланилди. Тадқиқотлар «Human Gesellschaft Biochemica und Diagnostica» компаниясининг (Wiesbaden, Germany) «Human Reader HS» иммунофермент анализаторида олиб борилди.

Аёллар генитал йўли ажралмаларидан эпителиал ҳужайралар ва лейкоцитларни аниқлаш учун бемор тўшаги ёнида буюм ойначаси устида суртма тайёрланиб, бактериологик лабораторияга етказилди, суртмалар Романовский-Гимзе бўйича бўялди, 630 марта катталаштирилган ҳолда микроскопланди ва натижа ўқилди. Шиллик борлиги ва унинг интенсивлиги пациентни кўриқдан ўтказиш жараёнида аниқланди, баҳолаш мезони сифатида шилликнинг ажралган миқдори хизмат қилди, интенсивлиги “+”, “++” ва “+++” кўринишида белгиланди.

Тадқиқотлар “Ўзбекистон темир йўллари” АК Урганч станцияси ДСЭНМ ва Урганч туман ДСЭНМ бактериологик лабораторияларида олиб борилди.

Натижалар анъанавий вариацион статистика усуллари билан тиббий-биологик тадқиқотлар учун қўлланиладиган дастурлардан фойдаланилган ҳолда персонал компьютерда ишланди. Тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига амал қилинди.

Диссертациянинг «**Аёллар кичик чанок аъзолари яллиғланиш касалликлари ривожланишида микроб-яллиғланишли, клиник ва тиббий-ижтимоий омиллар орасидаги сабаб-оқибатли боғлиқликлар**» деб номланган учинчи бобида аёлларда кечган КЧАЯК этиологик таркибининг қиёсий тавсифи, ушбу касалликларнинг микроб-яллиғланишли жихатлари, аёллардаги КЧАЯК га клиник, тиббий-ижтимоий омиллар таъсирининг хусусиятлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Аниқланишича, этиологик агент сифатида кўпроқ *S.epidermidis* (22,5±2,1%) ва *S.aureus* (22,3±2,0%) унган, кейинги ўринларда *Candida spp* (16,2±1,8%) ва *E.coli* (14,8±1,7%) бўлди. Улар униши бошқа микроорганизмлардан ишонарли даражада юқори бўлди, анаэробларнинг (*Bacteroides spp*) бўлса униши кам (2,7±0,8%) кузатилди. Аёлларда ташхисланган КЧАЯК улар унишининг пастлиги бизнинг минтақамизда доимий яшовчи аёлларда кечган КЧАЯК шаклланиши ва ривожланишининг фарқли хусусиятидир.

Бошқа унган штаммларга нисбатан *Proteus spp* (1,7±0,6%), *P.aeruginosa* (2,4±0,8%), *Klebsiella spp* (2,7±0,8%) ва *S.saprophyticus* (3,1±0,9%) нисбатан кам ундирилди. Жами 18 ҳолатда (4,4±0,2%) патогенмас *Neisseria spp* унди. Аёлларда кечган КЧАЯК кўзғатувчиларининг идентификация қилинган штаммлари орасида граммулбат коккларнинг (59,6±2,4%) грамманфий бактерияларга (21,5±2,0%) нисбатан 2,8 мартага ( $P<0,001$ ) кўп унганини алоҳида таъкидламоқчимиз.

Кейинги босқичда биз кўзғатувчилар этиологик таркибини нозологик бирликларга боғлиқ ҳолда таҳлил этдик (1 жадвал).

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, ишонарли тафовут фақат *S.epidermidis* ( $P<0,05$ ) ва *Bacteroides spp* ( $P<0,05$ ) униш кўрсаткичларида кузатилди. Бошқа ҳолатларда нозологияларга боғлиқ ҳолда культуралар униши бўйича ишонарли фарқлар аниқланмади.

Натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, барча унган штаммлар ҳам монокультура, ҳам микроорганизмлар ассоциациялари кўринишларида аниқланди (2-жадвал).

Ушбу келтирилган кўрсаткич бўйича биз томондан қуйидаги баъзи фарқли хусусиятлар кузатилди: фақатгина *S.epidermidis*, *Streptococcus spp* ва *Klebsiella spp* монокультура кўринишида микроорганизмлар ассоциацияси шаклига нисбатан ишонарли кўп унди; *S.aureus*, *E.coli* и *Candida spp* униши бўйича тесқари манзара гувоҳи бўлди, уларда ассоциация монокультурага нисбатан кўп унди; *Neisseria spp* фақат ассоциацияларда унди, улар

“транзитор микрофлора” сифатида талкин этилди, шу сабабли КЧАЯК этиологик жихатдан аҳамиятли кўзгатувчилари қаторига киритилмади; аёлларда кечган КЧАЯК кўзгатувчилари ассоциация шаклида монокультура кўринишига нисбатан 1,2 мартага кўп унди. Микроорганизмлар ассоциациялари 2 та (n=96) ва 3 та (n=13) культурадани иборат бўлди.

#### 1- жадвал

#### Аёлларда кузатилган сальпингофорит (n=240) ва пиосальпинкслар (n=64) кўзгатувчилари унишининг қиёсий кўрсаткичлари

Кўзгатувчилар	Сальпингофоритлар		Пиосальпинкс	
	Мут	%	Мут	%
<i>S.epidermidis</i>	80	24,4±2,4	13	15,3±3,9* ↓
<i>S.aureus</i>	72	22,0±2,3	20	23,5±4,6 ↑
<i>Streptococcus spp</i>	13	4,0±1,1	2	2,4±1,7 ↓
Патогенмас <i>Neisseria spp</i>	16	4,9±1,2	2	2,4±1,7 ↓
<i>Enterococcus spp</i>	12	3,7±1,0	3	3,5±2,0 ↔
<i>S.saprophyticus</i>	9	2,7±0,9	4	4,7±2,3 ↑
<i>E.coli</i>	46	14,0±1,9	15	17,6±4,1 ↑
<i>Klebsiella spp</i>	10	3,1±1,0	1	1,2±1,1 ↓
<i>P.aeruginosa</i>	7	2,1±0,8	3	3,5±2,0 ↑
<i>Proteus spp</i>	6	1,8±0,7	1	1,2±1,1 ↔
<i>Bacteroides spp</i>	6	1,8±0,7	5	5,9±2,6* ↑
<i>Candida spp</i>	51	15,5±2,0	16	18,8±4,2 ↑
Жами унган штаммлар	328	100,0	85	100,0
Униш йўқ	6	85,7±13,2	1	14,3±13,2

Изоҳ: \*, ↑, ↓ ва ↔ - кўрсаткичлар орасидаги ишонарли фарқ ва ўзгаришлар йўналишлари белгилари; Мут - мутлоқ сонда.

Аёллардаги КЧАЯК турли биологик ашёлардан кўзгатувчилар унишининг фарқли хусусиятлари аниқланди. Ишонарли тафовут асосан *S.aureus* ва *E.coli* ларга тегишли бўлди, улар мос равишда 2,9 ва 6,0 мартага пункцион ашёдан қиндан олинган ашёга нисбатан кўп ажратилди.

Олинган натижалар граммусбат коккларнинг ЙЯК, шу жумладан, КЧАЯК патоген агентлари сифатида грамманфий бактериялар ва бошқа ШПМ ларга нисбатан ўзига асосий этиологик агентлар сифатидаги етакчиликни қайтариб олаётганини кўрсатади.

Биз томондан олинган натижалар айрим муаллифлар (Краснопольский В.И. ва ҳаммуаллифлар, 2002; Уткин Е.В., Кулавский В.А., 2008) маълумотларига қарама қарши бўлди, улар аёлларда яллиғланиш жараёни ривожланишида грамманфий бактериялар ва анаэроблар ассоциацияларининг етакчи эканлигини кўрсатишган, улар фикрича, граммусбат кокклар аёллардаги КЧАЯК этиологик агентлари сифатида кам унган. Биз томондан аниқланган ушбу факт минтақамиз учун фарқли хусусият бўлиб, аёллардаги КЧАЯК да даволаш тадбирларини тайинлашда ҳисобга олиниши лозим.

**Аёллар кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари  
қўзғатувчилари унишининг штаммлар сонига боғлиқ кўрсаткичлари**

Қўзғатувчилар	Монокультура		Микроорганизмлар ассоциациялари	
	Мут	%	Мут	%
<i>S.epidermidis</i>	52	13,6±1,7	41	9,9±1,5* ↓
<i>S.aureus</i>	39	9,4±1,4	53	12,8±1,6* ↑
<i>Streptococcus spp</i>	11	2,7±0,8	4	1,0±0,5* ↓
Патогенмас <i>Neisseria spp</i>	0	0	18	4,4±1,0 ↑
<i>Enterococcus spp</i>	8	1,9±0,7	7	1,7±0,6 ↔
<i>S.saprophyticus</i>	7	1,7±0,6	6	1,5±0,6 ↔
<i>E.coli</i>	21	5,1±1,1	40	9,7±1,5* ↑
<i>Klebsiella spp</i>	9	2,2±0,7	2	0,5±0,3* ↓
<i>P.aeruginosa</i>	6	1,5±±0,6	4	1,0±0,5 ↑
<i>Proteus spp</i>	5	1,2±0,5	2	0,5±0,3 ↓
<i>Bacteroides spp</i>	7	1,7±0,6	4	1,0±0,5 ↓
<i>Candida spp</i>	22	5,3±1,1	45	10,9±1,5* ↑
Жами штаммлар	187	45,3±2,4	226	54,7±2,4* ↑

Изох: \*, ↑, ↓ ва ↔ - кўрсаткичлар орасидаги ишонарли фарқ ва ўзгаришлар йўналишлари белгилари; Мут - мутлоқ сонда.

Аниқланишича, эпителиал хужайралар миқдори қиннинг орқа деворидан (57,2%) кўп ажратиб олинди, бачадон бўшлиғи аспирати ва цервикал каналдан бўлса, қиннинг орқа деворига нисбатан улар мос равишда 2,6 ва 2,4 мартага кам аниқланган. Эпителиал хужайралар интенсив аниқланишининг кузатилиши бемор аёллар кичик чаноқ аъзоларида яллиғланиш ўчоғи шаклланиши ва ривожланишининг қўшимча мезони ҳамда билвосита кўрсаткичидир. Лейкоцитлар аниқланиши аспират ва цервикал каналга нисбатан қиннинг орқа деворидан тайёрланган суртмаларда ишонарли кўп бўлди. Бунда ҳам эпителиал хужайралар аниқланишидаги каби тенденция кузатилди. Аспират, қиннинг орқа девори ва цервикал каналдан тайёрланган суртмаларда шиллиқ аниқланиши эпителиал хужайралар ва лейкоцитлар аниқланиш тенденциясига ўхшаш бўлди.

Аниқланишича, репродуктив ёшдаги аёллар орасида сальпингофоритлар билан касалланиш хорижий тадқиқотчилар маълумотларига нисбатан стабил даражада юқори бўлди. Қишлоқда яшовчилар шаҳардагиларга нисбатан 2,3-3,5 марта кўп касалланган. Минтақамиз фарқли хусусиятларига киради: аёлларда КЧАЯК нинг “ёшариши” кузатилмаяпти; КЧАЯК билан касалланганлар орасида турмушга чиқмаганлар ва туғмаганлар миқдори Европа мамлакатларига нисбатан ишонарли кам; КЧАЯК кўпайиши фаол жинсий ҳаёт, ҳомиладорликлар,

туғишлар ва абортлар сони, шунингдек, аёл маълумотлилик даражаси орасида ўзаро кучли, тўғри боғланиш бор. Шу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда биз томондан аёллар орасида КЧАЯК касалликлари кўпайишини таъминловчи қуйидаги омиллар гуруҳлари шакллантирилди: тиббий, тиббий-ижтимоий ва экологик.

Диссертациянинг «**Аёллар кичик чанок аъзолари яллиғланиш касалликлари кўзгатувчилари асосий биологик хусусиятларининг қиёсий тавсифи**» деб номланган тўртинчи боби, унган штаммлар асосий биологик хусусиятларини аниқлаш ва баҳолашга бағишланган.

**S.aureus.** Жами 92 та штамм идентификация қилинди, 8 та идентификацион белги бўйича *Staphylococcus* авлоди аниқланди, бу белгилар бўйича қин ва пункцион материалдан олинган штаммлар бир хил бўлди. *Staphylococcus* spp турлараро идентификациясидан қуйидаги тестлар бўйича натижалар олинди: коагулаза фаоллиги (96,7±1,9%); озик муҳитда ипир-ипир ҳосил бўлиши (93,5±2,6%); маннитнинг анаэроб шароитда идентификацияси (98,9±1,1%); новобиоцинга сезгирлик (85,9±3,6%); Фогес-Проскауэрнинг ижобий реакцияси (95,6±2,1%); лецитоветилаза фаоллиги (78,3±4,3%); глюкоза (100%), лактоза (97,8±1,5%), мальтоза (98,9±1,1%), сахарозани (91,3±2,9%) парчалаш; гемолитик фаоллик (84,8±3,7%). Баъзи идентификацияловчи белгилар бўйича атипик реакциялар аниқланди, бошқача айтганда, бу штаммлар *S.aureus* нинг типик штаммларидан фарқ қилди (100% га етмаган кўрсаткичлар). Бироқ, ушбу культураларнинг фоизи паст бўлиб, ҳар бир культура *S.aureus* нинг типик тавсифидан 1-2 белгиси бўйича фарқ қилди, холос. Шу сабабли уларнинг ушбу турга мансублиги шубҳа остига олинмади.

Патогенлик омилларини ўрганиш кўрсатишича, агар КЧАЯК билан касалланган аёллардан гемолизин ишлаб чиқарувчи штаммлар миқдори соғлом одамлар кўрсаткичларидан 2,1 марта кўпайган бўлса, лецитиназа фаоллиги бўйича бу кўрсаткич 5,8 мартага, гиалуронидаза фаоллиги бўйича 13,5 мартага, плазмакоагулаза фаоллиги бўйича 14,4 мартага кўп бўлди ( $P<0,001$ ).

Бундан ташқари *S.aureus* культурасининг антимиқроб препаратларга ( $n=16$ ) сезгирлиги ҳам ўрганилди. Культуралар цефазолинга ( $S=81,5±4,0\%$ ), цефобидга ( $S=69,6±4,8\%$ ), ципроксга ( $S=66,3±4,9\%$ ), рифампицинга ( $S=66,3±4,9\%$ ) энг кўп сезгирликни намоён қилди. Бошқа антибиотикларга сезгирлик 50,0% дан кам бўлди. Паст сезгирлик стрептомицинга ( $S=3,3±1,9\%$ ), пенициллинга ( $S=6,5±2,6\%$ ), левомецетинга ( $S=6,5±2,6\%$ ), карбенициллинга ( $S=10,9±3,2\%$ ), эритромицинга ( $S=13,0±3,5\%$ ), канамицинга ( $S=14,1±3,6\%$ ) ва ампициллинга ( $S=14,1±3,6\%$ ) кузатилди.

**S.epidermidis.** Жами 93 та штамм идентификация қилинди. Фогес-Проскауэрнинг мусбат реакцияси, Гисс муҳитларининг ферментацияси ва

бошқа параметрлар бўйича олтинранг стафилококка нисбатан типик колониялар фоизи атипик колонияларга нисбатан ишонarli кам бўлди. *S.epidermidis* ни *S.aureus* дан фарқловчи асосий белгилар “олтинранг пигмант”, коагулаза фаоллиги, маннит ферментацияси, гемолитик фаолликнинг йўқлиги бўлди. *S.epidermidis* нинг антибактериал препаратларга сезгирлиги паст бўлиши баробарида, резистентлик даражаси бўйича тенденция *S.aureus* га ўхшаш бўлди.

**Streptococcus spp.** Жами 15 та штамм идентификация қилинди. Стрептококкларнинг асосий дифференциацияловчи белгилари қуйидагича: кўриш майдонида занжирсимон жойлашиши (100%); Грамм бўйича бўялганда асосий бўёқ билан бўялиши (100%); S кўринишли, кичик, кулранг, ясси колониялар ҳосил қилиши (100%); қия қотирилган ГПА да униш йўқлиги - Enterococcus spp билан дифференциация қилиш мақсадида (100%); коагулаза манфийлик (100%); 5% ли қонли агарда колониялар атрофида бир хилдаги, тўлиқ гемолиз зонаси борлиги (100%), антибиотикларга резистентлиги пастлиги.

**Enterococcus spp.** Жами 15 та штамм идентификация қилинди. Асосий идентификацияловчи белгилар: граммусбат кокклар (100%); кўриш майдонида занжирсимон жойлашиш (100%); ўт-эскулинли агарда S кўринишли, бир бири билан чирмашиб кетган, қора рангли колониялар ҳосил қилиши (100%); қия қотирилган ГПА да униши - Streptococcus spp билан дифференциация қилиш учун (100%); 6,5% ли NaCl тутувчи озик муҳитда ўсиши (100%); лактоза, глюкоза ва маннитнинг кислотагача ферментацияси (100%). Асосий дифференциация стафилококклар ва стрептококклар билан ўтказилди.

**Enterobacteriaceae оиласи.** Этиологик агентлар сифатида *E.coli* (n=61), *Klebsiella spp* (n=11) ва *Proteus spp* (n=7) унди. Энтеробактерияларнинг ишонarli идентификацияси учун 9 та дифференциацияловчи белгилардан фойдаланилди: лизиндекарбоксилаза, уреаза борлиги, сероводород, индол ҳосил қилиши, глюкоза, лактоза ферментацияси, натрий цитрат, натрий малонат утилизацияси, бактериялар ҳаракатчанлигининг борлиги. Барча унган штаммлар кўрсатилган авлод ва тур таксономик тавсифига тўла мос келди.

**P.aeruginosa.** Жами 10 та штамм унди. Дифференциация қилишда қуйидаги асосий биологик хусусиятларига эътибор берилди: ГПА да униш (100%); ҳаракатчанлик (100%); пиоцианин ҳосил қилиши (100%); 22°C да желатинни суюлтириш (100%); Хью-Лейфсон мусбат тести (90,0±9,5%). Қўшимча тасономик белги сифатида “камалак тожи” ҳосил бўлишини (колония юзасида турли рангларда товланувчи шилликдан иборат парда) 10 тадан 9 та ҳолатда (90,0±9,5%) аниқланди. *P.aeruginosa* нинг антибиотикларга сезгирлиги илмий манбаларда келтирилган маълумотлардан айтарли фарқ



қилмади (Яковлев С.В., 2004; Сидоренко С.В., 2004; Кондратова Ш.Ю., 2007).

**Bacteroides spp.** Жами 11 та штамм идентификация қилинди. Идентификация куйидаги дифференциация қилувчи белгилар асосида ўтказилди: граммафий тайёкча (100%); кўриш майдонида ҳаракатсиз (100%); конли агарда атрофида гемолиз зонаси бўлмаган, кичик, хира, S кўринишли колониялар ҳосил қилди (100%); сероводород ҳосил қилди, глюкоза, лактоза ва сахарозани ферментлади (100%); катъий анаэроб шароитда унди (100%).

**Candida spp.** Жами 67 та штамм идентификация қилинди. Аниқлаш асосан культурал ва ферментатив хусусиятлари бўйича ўтказилди. Дифференциацияда шунингдек, морфологик (100%) ва тинкториал (100%) хусусиятларига эътибор берилди. Аниқланишича, *Candida spp* унган штаммлари лактозани парчаламади, глюкоза ва мальтозани мос равишда 97,0±2,1% ҳолатда, сахарозани 22,4±5,1%, галактозани 83,6±4,5% ҳолатда парчалади.

Диссертациянинг «**Аёллар кичик чанок аъзолари яллиғланиш касалликларида иммунофермент ташхис натижаларининг таҳлили ва баҳолаш**» деб номлан бешинчи бобида турли микроорганизмларга қарши аёллар қон зардобидаги антителолар титри мусбат намуналари параметрларини ўрганиш ва баҳолаш бўйича маълумотлар келтирилган. 304 нафар аёлларнинг 31 нафариди (10,2±1,7%) антигенларга қарши антителолар титри аниқланмади, 273 пациентдан жами 373 та ижобий намуна кузатилди.

Текширилганлардан энг кўп ҳолатда антителолар *Mycoplasma spp* га ажратилди - 32,4±2,4% ҳолатда (якка микроорганизм шаклида 25,1±2,2% ва ассоциацияда 7,3±1,2% ҳолат). Аниқланиш бўйича кейинги ўринда *Chlamydia spp* (24,2±2,2%) бўлиб, микоплазмалардан фарқли равишда якка ҳолатда учраш (13,7±1,8%) ва ассоциация (10,5±1,6%) кўринишларида ишонарли тафовут бўлмади. Бундан ташқари кўп миқдорда антителолар CMV и HSV 1,2 ларга ҳам аниқланди - мос равишда 20,0±2,1% ва 15,1±1,9% ҳолатларда. Иккала ҳолатда ҳам якка ҳолатда учраш ва ассоциация кўринишларида мусбат намуналар сони орасида тафовут аниқланмади.

Бошқа антигенларга нисбатан кам миқдорда антителоларнинг мусбат титри *T.gondi* антигенларига қарши (5,6±1,2%) кузатилди. *U.urealyticum* га қарши антителолар мусбат титри 2,7±0,8% ҳолатда ва фақат ассоциация кўринишида учради. Юқорида келтирилган 6 та микроорганизм антигенларига қарши антителолар мусбат титрлари аниқланиши бўйича солиштирилаётган нозологик бирликлар орасида ишонарли тафовут аниқланмади ( $P>0,05$ ).

Кейинги босқичда аёллардаги КЧАЯК асосий кўзғатувчилари униши ва *Mycoplasma spp*, *T.gondi*, *Chlamydia spp*, CMV, HSV 1,2, *U.urealyticum* лар антигенларига антителолар мусбат титрлари аниқланиши орасидаги сабаб-

оқибатли боғлиқликларни аниқлаш учун қиёсий таҳлил ўтказилди (3-жадвал).

Аёлларда кечган КЧАЯК кўзғатувчиси *S.aureus* бўлганда барча микроорганизмлар антигенларига қарши антителолар аниқланиши мусбат намуналари фоизи *S.epidermidis* га нисбатан ишонарли юқори бўлди ( $P<0,001$ ). Аниқланишича, касаллик кўзғатувчисининг вирулентлиги қанчалик юқори бўлса, генитал инфекциялар этиологик агентлари антигенларига қарши антителолар мусбат титри шунчалик кўп аниқланади. *S.epidermidis* кўрсаткичларига яқин, бироқ, ишонарсиз равишдаги натижалар *Streptococcus spp* бўйича кузатилди. *S.aureus* параметрлари билан амалий жиҳатдан бир хил натижалар *E.coli* бўйича ҳам олинди ( $P>0,05$ ).

### 3- жадвал

#### Аёллардаги КЧАЯК асосий этиологик агентларига боғлиқ ҳолда антителолар аниқланишининг қиёсий кўрсаткичлари, %

Кўзғатувчилар	Моно- культура, n=187	Антителолар титри			
		<i>Mycoplasma</i> spp, n=120	<i>Chlamydia</i> spp, n=82	CMV, n=62	HSV 1,2, n=38
<i>S.epidermidis</i>	27,8±3,3	7,5±2,4	6,1±2,6	3,2±2,2	5,3±3,6
<i>S.aureus</i>	20,9±3,0	25,8±4,0	20,7±4,5	29,0±5,8	23,7±6,9
<i>Streptococcus spp</i>	5,9±1,7	10,0±2,7	7,3±2,9	4,8±2,7	5,3±3,6
<i>E.coli</i>	11,2±2,3	30,8±4,2	22,0±4,6	22,6±5,3	18,4±6,3
<i>Bacteroides spp</i>	3,7±1,4	5,8±2,1	6,1±2,6	14,5±4,5	5,3±3,6
<i>Candida spp</i>	11,8±2,4	10,0±2,7	6,1±2,6	6,5±3,1	21,1±6,6

Аммо, КЧАЯК кўзғатувчилари *Bacteroides spp* бўлганда ишонарли равишдаги антителолар титри мусбат намуналарининг юқори фоизи CMV, HSV 1,2, *Mycoplasma spp* ва *Chlamydia spp* антигенларига қарши бўлди ( $P<0,05$ ). Бу ҳолат КЧАЯК этиологик агентлари анаэроблар бўлганда касаллик оғирроқ кечиши ва бу фонда CMV кўшилиши ушбу патологик жараённинг ноҳуш истикболи хавфини ошириши билан изоҳланади. *Candida spp* бўйича ҳам шунга ўхшаш натижалар олинди, фарқи шунда бўлдики, HSV 1,2 га қарши антителолар титри мусбат намуналар фоизи юқорилиги бўйича *Chlamydia spp*, CMV ва *Mycoplasma spp* параметрларидан ишонарли фарк қилди ( $P<0,05$ ).

Мусбат намуналарда ассоциациялар кўринишида CMV (n=44) ва *Chlamydia spp* (n=39) антигенларига қарши антителолар титри юқори бўлгани ҳолда, HCV 1,2 (n=29), *Mycoplasma spp* (n=27), *T.gondi* (n=16) ва *U.urealyticum* ларга (n=10) қарши анча кам аниқланди. Мусбат намуналарда ассоциациялар қуйидаги микроорганизмлар орасида кўпроқ кузатилди: CMV ва HCV 1,2 12,1±2,5%, *Chlamydia spp* ва *Mycoplasma spp* 10,9±2,4%, CMV ва *Mycoplasma spp* 9,7±2,3%, CMV, *Chlamydia spp* ва HSV 1,2 12,8±2,6% ҳолатларда. Қолган ассоциациялар 2,5±1,2% дан 6,1±1,9% гача ҳолатда

учради. Бу ассоциациялар пациентлардаги КЧАЯК ташҳисиди катта аҳамият касб этди. Ассоциацияларда 2 та микроорганизм  $65,7 \pm 5,8\%$ , 3 та микроорганизм  $28,3 \pm 5,5\%$ , 4 та ва 5 та микроорганизм мос равишда  $3,0 \pm 2,1\%$  ҳолатларда аниқланди. Монокультура шакли ушбу микроорганизмлар ассоциацияларига нисбатан 3,1 мартага ( $n=206$  га қарши  $n=67$ ) кўп учради.

## ХУЛОСА

1. Аёлларда кечган КЧАЯК да асосий кўзғатувчилар *S.epidermidis*, *S.aureus*, *Candida spp* ва *E.coli* бўлди. Граммусбат кокклар грамманфий бактерияларга нисбатан 2,8 мартага кўп аниқланди, *S.epidermidis* ва *Bacteroides spp* бўйича сальпингоофоритлар ва пиосальпинкслар орасида ишонарли тафовутлар аниқланди.

2. *S.epidermidis*, *Streptococcus spp* ва *Klebsiella spp* монокультура кўринишида ассоциацияларга нисбатан кўп унишди, *S.aureus*, *E.coli* ва *Candida spp* ларда бунинг акси бўлди. Ассоциациялар 1,2 марта кўп учраши баробарида улар асосан 2 та ( $n=96$ ) ва 3 та ( $n=13$ ) микроорганизмлар культурасидан иборат бўлди. *S.aureus* ва *E.coli* пункцион материалда қиндан олинган биологик ашёларга нисбатан 2,9 ва 6,0 марта кўп ажратилди.

3. КЧАЯК шаклланишида аҳамиятли бўлган ўзига хос хусуситлар куйидагилар: аёлларда КЧАЯК нинг “ёшариши” йўқлиги; КЧАЯК кузатилган аёлларда турмуш қурмаган ва туғмаганлар миқдорининг ишонарли камлиги; КЧАЯК кўпайишининг жинсий ҳаёт фаоллиги, ҳомиладорликлар, туғиш ва абортлар, аёллар ўқимишлилигининг пастлиги билан кучли, тўғри боғлиқлик борлиги. Бу хусусиятлар аёлларда кечадиган КЧАЯК ни даволаш ва профилактика мақсадида ўтказиладиган тадбирларни режалаштириш, ташкил этиш ва молиялаштиришда амалий аҳамиятга эга.

4. Аниқланишича, патогенлик омилларини ишлаб чиқувчи *S.aureus* штаммлари сони соғлом шахслар кўрсаткичларидан 2,1-14,4 марта кўп. *S.aureus* культуралари цефазолин, цефобид, ципрокс, рифампицинларга юқори сезгирликни, левомецетин, пенициллин, эритромицин, карбенициллин ва ампициллинларга юқори резистентликни намоён қилди. *S.epidermidis* антибиотикларга резистентлик даражаси бўйича *S.aureus* га ўхшаш тенденцияни намоён қилди. Энтеробактериялар резистентлик даражаси граммусбат коккларга нисбатан ишонарли равишда паст бўлди.

5. Аниқланишича, 273 пациентдан *Mycoplasma spp*, *Chlamydia spp*, CMV, HSV 1,2, *T.gondi*, *U.urealyticum* лар антигенларига антителолар титри мусбат намуналари олинди ( $89,8\%$ ). Антителолар мусбат титрлари кўпроқ *Mycoplasma spp*, *Chlamydia spp* лар антигенларига қарши бўлди, уларга нисбатан кам миқдордаги мусбат намуналар *T.gondi* и *U.urealyticum* антигенларига нисбатан олинди.

6. Антителолар титрлари мусбат намуналари юқори даражада аниқланиши КЧАЯК қўзғатувчилари *S.aureus* ва *E.coli* бўлганда кузатилди, айнан тескари манзара КЧАЯК қўзғатувчилари *S.epidermidis* ва *Streptococcus spp* бўлганда кузатилди.

7. Микроорганизмлар антигенларига қарши антителолар мусбат намуналарида ассоциация кўринишларида CMV, *Chlamydia spp* лар кўп учраб, HCV 1,2, *Mycoplasma spp*, *T.gondi*, *U.urealyticum* лар ишонарли кам учради. Мусбат намуналарда ассоциациялар кузатилди: CMV ва HCV 1,2 12,1%, *Chlamydia spp* ва *Mycoplasma spp* 10,9%, CMV ва *Mycoplasma spp* 9,7%, CMV, *Chlamydia spp* ва HSV 1,2 12,8% ҳолатларда. Қолган ассоциациялар 2,5% дан 6,1% гача учради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc.27.06.2017.Tib.50.01 ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ НАУЧНОМ  
ЦЕНТРЕ ИММУНОЛОГИИ И ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ  
АКАДЕМИИ**

---

**ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ**

**АБДИРИМОВА АЗИЗА ДУШАМОВНА**

**МИКРОБИОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ФОРМИРОВАНИЯ  
И РАЗВИТИЯ ВОСПАЛИТЕЛЬНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ  
ОРГАНОВ МАЛОГО ТАЗА У ЖЕНЩИН РЕПРОДУКТИВНОГО  
ВОЗРАСТА**

**03.00.04 - Микробиология и вирусология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТОШКЕНТ - 2017**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.2.PhD/Tib159**

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.immunology.uz](http://www.immunology.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Матназарова Гулбахор Султановна**  
доктор медицинских наук

**Официальные оппоненты:** **Набиева Умида Пулатжановна**  
доктор медицинских наук

**Азизов Юрий Далиевич**  
доктор медицинских наук

**Ведущая организация:** **Ташкентский педиатрический медицинский институт**

Защита состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Tib.50.01 при Республиканском научном центре иммунологии и Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100060, г.Ташкент, ул. Я.Гулямова, 74. Тел.(факс): (99871) 233-08-55, e-mail [immunologiya@qip.ru](mailto:immunologiya@qip.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского научного центра иммунологии (зарегистрирована за № \_\_\_\_\_). (Адрес: 100060, г.Ташкент, ул. Я.Гулямова, 74. Тел.(факс): (99871) 233-08-55).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2017 года).

**Т.У. Арипова**  
Председатель Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.м.н., профессор

**З.С. Камалов**  
Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.м.н., профессор

**Д.А. Мусаходжаева**  
Председатель научного семинара  
при Научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.б.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Воспалительные заболевания органов малого таза (ВЗОМТ) у женщин представляет собой сложную, недостаточно изученную проблему, связанную с серьезными медицинскими, социальными и экономическими потерями во всем мире. В структуре гинекологических заболеваний воспалительные процессы женских половых органов занимают первое место, составляя 60-65% всей гинекологической патологии. Наибольший пик заболеваемости наблюдается у лиц в возрасте 15-24 лет, после 30 лет их частота уменьшается.

В годы независимости в Республике Узбекистан процессу преобразования системы здравоохранения придается статус государственной политики. Достигнуты определенные успехи по охране здоровья населения, снижению заболеваний, в том числе акушерско-гинекологических заболеваний среди женщин. Вместе с тем, в системе здравоохранения были некоторые проблемы. Среди них важными были определение экстрагенитальной патологии, особенно ВЗОМТ у женщин репродуктивного возраста. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы указано «дальнейшее претворение комплекса мероприятий по укреплению здоровья семьи, охраны материнства и детства, расширение качественного медицинского обслуживания матерей и детей, оказанию им специализированной и высокотехнологичной медицинской помощи, снижению детской смертности». В связи с этим укрепление здоровья населения и снижение факторов, способствующих повышению ВЗОМТ, и предупреждение осложнений является важным.

На мировом уровне тенденция снижения акушерско-гинекологической патологии, в частности ВЗОМТ практически не наблюдаются, постепенно увеличиваются заболевания, вызванные не только патогенными, но и условно-патогенными микроорганизмами (УПМ), в связи с этим снижается качество жизни женщин, что преобразовывается в одно из значимых медико-социальных проблем. В возникновении и развитии данной патологии участвуют различные факторы внешней среды и самого организма, появляются разные причинно-следственные связи между возбудителями и организмом человека, которые имеют большое значение. Ведущей причиной роста ВЗОМТ у женщин является несвоевременная диагностика, в том числе микробиологическая. Реализация ранней диагностики, разработка микробиологических критериев и совершенствование прогностических подходов к лечению определяет актуальность данной проблемы. Все вышеизложенное, а также установление причинно-следственных связей возникновения и развития ВЗОМТ у женщин репродуктивного возраста остается приоритетным направлением научного исследования.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению в рамках исполнения задач, поставленных в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-1652 от 28 ноября 2011 года «О мерах по дальнейшему углублению реформирования системы здравоохранения» и Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 29 марта 2012 года «О мерах по дальнейшему укреплению материально-технической базы и совершенствованию организации деятельности медицинских учреждений», а также в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V. «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** Термин «воспалительные заболевания органов малого таза» объединяет весь спектр воспалительных процессов в верхних отделах репродуктивного тракта женщин. Они могут встречаться как отдельные нозологические формы, так и в различных комбинациях: эндометрит, сальпингит, оофорит, сальпингоофорит, тубоовариальный абсцесс, тазовый перитонит, пиосальпинкс (CDC, USA, 2006; Уткин К.В. и соавт., 2008; Abotangelo L. et al., 2010; Kim H.Y. et al., 2015).

